



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI

MIROBOD TUMAN ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KOR'SATISH MARKAZI

100072, Toshkent shahar, Mirobod tumani, A.Fitrat ko'chasi, 40 A-uy
el. pochta: mirobodt-yurmarkaz@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

QH6247154650

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi. (""AMIGO VISION GROUP"" mas'uliyati cheklangan jamiyati nomidan Ustav asosida ish ko'ruchchi direktor Axmedov J.X. bir tomondan, ikkinchi tomondan «Mirabod tumani Obodonlashtirish boshqarmasi» nomidan Nizom asosida ish ko'ruchchi bosharma boshlig'i G.Djonxodjayev)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Mirobod tuman obodonlashtirish markazi tomonidan 13.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Mirobod tuman
yuridik markaz
bosh yuristkonsulti:



J.I.BOIROV

13.10.2022

Пудрат шартномаси

Тошкент

16-сон

«13» октябр 2022 йил

Кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилувчи “AMIGO VISION GROUP” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи директор Ахмедов Ж.Х. бир томондан, иккинчи томондан «Мирабод тумани Ободонлаштириши бошкармаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошкарма бошлиғи Г.Джонходжаев кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилувчи ва биргалиқда "Томонлар" деб юритилувчи, мазкур пудрат шартномасини қўйидаги ҳақида туздилар.

I. Шартномапредмети

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган холда «Тошкент шаҳар Миробод тумани “Истиклолобод” МФЙ махалласидаги ички кўчаларини (асфальтлаш) жорий таъмирлаш» (ЛОТ № 157 206) (кейинги ўринларда объект деб юритилади) асфалт ётқизиш қурилиш монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ҳамда КҚСни хисобга олган холда жорий нархларда **37 000 000** (Ўттиз етти миллион) сўмни шу жумладан КҚС 4 826 086.95 (Тўрт миллион саккиз юз йигирма олти минг саксон олти сум 95 тийин) ташкил этади.

2.2. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб Пудратчи томонидан 1 (бир) ой ичида лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ объектда **37 000 000** (Ўттиз етти миллион) сўм миқдорида қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно:

- Енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор)холати сабаб бўлганда;
- Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда йўл қўйилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштиради ва буюртмачига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бопка хужжатларни тақдим этади;
- объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиш-монтажишиларини амалгаоширади;
- зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хulosаси ва ишлатилган машина – механизмлар нархига ваколатли идора (ташкилот, орган) нинг экспертиза хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- барча ишларни мазкур шартноманинг 2.2-бандида белгиланган муддатларда, қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган холда сифатли бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

- объектда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

- курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;
- курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариши ўззиммасига олади.

3.2. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк ҳукуқини ўзида саклаб қолади. Обьект фойдаланишга топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига Пудратчи тўлик жавобгар бўлади.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда лойиха-смета ҳужжатларига мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- мазкур шартноянинг 6.1-бандига мувофик пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. Ишларни бажариш муддати

5.1. Пудратчи молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришига киришади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб 1(бир) ой муддат ичида амалга оширилади.

5.3. Курилиш-монтаж ишлари бошланган кундан томонлар ўртасида ишларни молиялаштириш ва бажариш жадвали ишлаб чиқилади ва мазкур жадваллар томонлар тарафидан имзоланиб, корхона мухри билан тасдикланади ҳамда томонлар молиялаштириш ва бажариш жадвалига мувофик ишларни ташкил этиш мажбуриятини олади.

VI. Тўловларваҳисоб-китоблар

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 11 100 000,0 (Ўн бир миллион юз минг) сўм 00 тийинни ташкил этади.

6.2. Бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, обьект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла обьектнинг умумий шартномавий кийматнинг 65% миқдоридаги маблағлар молиялаштрилади.

6.3. Обьектнинг шартномавий жорий кийматининг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва обьект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, мазкур шартномага белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар кийматининг 5 % гача миқдорида маблағ молиялаштириб берилади.

VII. Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

7.3. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

7.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

7.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

7.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.9. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

7.10. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

7.11. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни саклади, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

7.12. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.13. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

7.14. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

7.15. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачиша Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

7.16. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.17. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.18. Пудратчи Буюртмачининг манбаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботланса жавобгар хисобланмайди.

7.19. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.20. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўйайди.

7.21. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

7.22. Ишлар бошланган пайтдан бўшлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишданчикини тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишнитугаллашниузил-кесилмуддатигатасиркилишимумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтирида ўз фикирини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўззиммасига олади.

VIII. Коррупцияга қарши талаблар

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбих этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

8.2. “Буюртмачи”“Пудратчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директори, агентлари ва бошқа вакиллари), “Буюртмачи” манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат қилиб, “Пудратчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва коидаларига катъий риоя қилади.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч(форс-мажор) ҳолатлари

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

9.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

9.4. Агар томонлар икки ой ичида келишаолмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

X.Шартномани бекор қилиши

10.1. Буюртмачи:

- Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

- Ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

10.2. Пудратчи:

- Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

10.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

10.4. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

10.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

10.6. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

11.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- Иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

11.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,4% фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50%** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

11.3. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг **50%** фоизидан ошмаслиги лозим.

11.4. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод этмайди

11.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак

тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида ундириш хукукига эга.

11.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

XII.КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха-смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва коидалари ҳамда техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектда нфойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аникланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатгайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари,асбоб-ускуналар,материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар тўла таъмиглаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

12.4. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлами далолатномасида кайд этилади.

12.5. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент шаҳар иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII.Низоларни ҳал этиш тартиби

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек стказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чикилади.

XIV.Алоҳида шартлар

14.1. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб киради.

14.2. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.3. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

14.4. Мазкур шартномага барча ўзгартыриш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакикий хисобланади

14.5. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдыган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда таасиқлаши керак.


14.6. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечкитиришга хаклидир.

14.8. Мазкур шартнома бир хил юридик күчтөрдөн түзилген болашактың көмеги менен 2(иккى) нусхада түзилады.

14.9. Шартнома амал килиш мүддати 2022 йил 31 декабр күнүнча амал кипалы.

14.10. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади

XIV. Томонларниң банк креквизитларында оюридики маизилдари

<p><u>Пудратчи:</u> “AMIGO VISION GROUP” МЧЖ</p> <p>Юр.манзили: Таш.обл. Ташкентский р-н, Салар ШФЙ Ташгрес -2 ул, 7 уй Тел: +99897-703-07-18 +99-039-31-00 Р/сч: 2020 8000 1007 4434 3001 АТБ “InFinBank” Ташкент обл.филиал МФО: 01056 ИИН: 304 691 824 ОКЭД 16210 НИС:</p> <p>Рахбар: </p> <p>Ж.Х.Ахмедов</p> 	<p><u>Буюрмачи:</u></p> <p>«Мирабод тумани Ободонлаштириши бошқармаси»</p> <p>Мехрjon кучаси-39уй х/р 401722860262737065200110008 ИИН 201 992 249</p> <p>Молия Вазирлиги Газначилиги х/р 23402000300100001010</p> <p>ИИН 201 122 919 МФО 00014</p> <p>Банкноми: Марказий банк XKKM Тел: 71-299 40 4000</p> <p>Рахбар: </p> <p>Г.У. Джонходжаев</p> 
---	--